

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 205 (1266), 2024 йил 10 октябрь, пайшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



МАМЛАКАТИМИЗ БОШ КЕНТИ ЙИРИК МЕГАПОЛИСГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 9 октябрь куни Тошкент шахрининг бош режаси лойиҳаси билан танишди.

Бугунги кунда шаҳар ҳудуди 43 минг 822 гектар, аҳоли сони 3 миллиондан зиёд. Келгусида бу миқёс янада ошиб бориши таъин. Шу боис, Тошкент шахрининг 2045 йилгача бўлган даврга мўлжалланган бош режаси лойиҳалаштирилди.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги илк ишланмалар билан 2022 йилда танишган эди. Унда берилган кўрсатма ва тавсиялар асосида лойиҳа такомиллаштирилди. “ТошкентбошпланЛИТИ” корхонасида Сингапур, Буюк Британия, Туркия, Германия, Хитой ва Нидерландия компаниялари билан ҳамкорликда пухта иш олиб борилди.

Лойиҳага кўра, Тошкент шаҳри ҳудуди 3 та зонага ажратилади. Консервация зонасида маданий мерос бинолари, тарихий жойлар, уйлар ва яшил ҳудудлар ўзгаришсиз қолади. Реконструкция зонасида мастер-режалар асосида қўшимча қурилышлар қилиш мумкин бўлади. Реновация зонасида эскирган уй-жой, бинолар ўрнида янги қурилышлар ва таъмирлаш амалга оширилади.

Бугунги кунда экология ва транспорт муаммолари долзарб бўлиб бормоқда. Хусусан, охириги ўн йилда Тошкентдаги ҳаво ҳарорати ўртача 1 даража кўтарилган. Баъзи кунларда атмосферадаги инфослантивувчи моддалар меъёрдан ортқ бўлмоқда. Автомашиналар ҳам кун сайин кўпайиб, йўл ҳаракати қийинлашиб бормоқда.

Шу боис, янги бош режада бу масалалар инobatта олинган. Жумладан, Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги яшил ҳудудлар 3 қарра кўпайтирилиб, 25 минг гектарга етказилиши белгиланмоқда. Бу орқали аҳоли жон бошига тўғри келадиган яшил майдон ҳозирги 3 квадрат метрдан 6 квадрат метрга ошади.

Шаҳарсозлик талабига кўра, аҳоли ўз яшаш жойидан энг яқин боғча, мактаб, шифохона, савдо ва хизмат кўрсатиш объектигача кўпи билан 15 дақиқада етиб бора олиши керак. Шу боис, жамоат транспорти тармоғи кенгайтирилиб, боғламлар ва бекатлар кўпайтирилади. Янги йўллар қурилиб, метробус йўналишлари ташкил этилади.

Сўнги йиллардаги ўсиш натижасида Тошкентда электр энергияси, сув ва оқова инфратузилмаси юклама билан ишляпти. Бош режа лойиҳасида бу қувватларни ошириш манбалари ҳам ҳисоб-китоб қилинган.

Бош режа тасдиқлангач, унинг хариталари Шаҳарсозлик кадастри геоахборот тизимида ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги веб-сайтида очик маълумот сифатида жойлаштирилади.

Мутасаддилар бош режанинг шу каби асосий кўрсаткичлари бўйича ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрини камида 7,5 миллион одам яшashi ва ишлаши учун қулай шaroитга эга йирик мегаполисга айлантириш зарурлигини таъкидлади. Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Тошкент туманларини пойтахт билан яхлит агломерация асосида ривожлантириш бўйича топшириқлар берди.

ЎЗА

БОҚИЙ ВА КЎХНА БУХОРО ЗАМОНАВИЙ АЭРОПОРТГА ЭГА БЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 9 октябрь куни Бухоро халқаро аэропорти қурилишига оид тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда аэропортларни модернизация қилиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўзида Шаҳрисабз, Қўқон ва Зомин аэропортлари ишга туширилди. Наманган ва Андижонда эса модернизация бошланди.

Аэропортлар бошқарувида хусусий сектор жалб қилинаётгани ҳам ўз самарасини бeraпти. Хусусан, Самарқанд халқаро аэропорти хусусий бошқарувига берилиб, модернизация қилингач, парвозлар ва йўловчилар сони 5 баробарга ошган.

Шундай салоҳият Бухорода ҳам бор. Лекин у ердаги аэропорт аҳоли ва туристлар талабига жавоб бeraмайпти. Мазкур аэропорт соатига 400 нафар ёки йилга 1 миллион йўловчига хизмат кўрсата олади, холос. Бу — талабга нисбатан жуда паст.

Парвозларни бошқариш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш тизимлари, кутиш-кузатиш заллари эскиргани қатновларни кўпайтириш имконини чекляпти. Аксарият сайёҳлар Бухорога бориш учун Тошкент, Самарқанд ёки Урганч аэропортларига кўнишга мажбур бўляпти. Масалан, 9 ойда Бухорога ташриф буюрган 1 миллиондан зиёд хорижий туристларнинг 95 фоизи поезд ёки автомобилда борган.

Вилоятда меҳмонхоналар тармоғи, зиёрат туризми ривожланиб бормоқда. Келгуси уч йилда Бухорога туристлар оқими 8 миллионга етказиш режа қилинган.

Шу боис, жорий йил 31 майда Президентимизнинг вилоятга ташрифи чоғида Бухоро туманида янги халқаро аэропорт қурилиши бошланган эди.

Давлат-хусусий шериклик асосидаги ушбу лойиҳа доирасида жаҳон стандартларига мос аэропорт ташкил этилади. Соатига 1 минг 200 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти яратилади. Йўловчи ва ҳаво кемаларига сервис сифатини ошириш орқали янги халқаро авиакомпаниялар жалб қилинади.

Тақдимотда лойиҳанинг техник-иқтисодий жиҳатлари тўғрисида ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбари янги аэропортда ўтказувчанлик қобилиятини 2 баробар ошириб, соатига 8 та самолёт келиш-кетишига имконият яратиш зарурлигини таъкидлади. Терминалнинг қўлайликлари, ички ва ташқи қиёфаси бўйича тавсиялар берилди.

ЎЗА

МЕНИНГ ТАНЛОВИМ — ОБОД ВАТАНИМ!

27 ОКТАБРЬ — ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ КУНИ



MENING TANLOVIM — OBOOD VATANIMI!

Мазкур мақола Ўзбекистон Экологик партиясига сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида ЭЪЛОН ҚИЛИНМОҚДА.

3-бетга қаранг.

ЎЗБЕКИСТОН МДХ ДОИРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ ТУЗИЛМАГА АЪЗО БАРЧА ДАВЛАТЛАР МАНФААТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРАФДОРИ

Президент Шавкат Мирзиёев 7-8 октябрь кунлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Виз ва дунё

Давлатимиз раҳбари саммитдаги нутқида Россиянинг Ҳамдўстликка раислиги яқунларини юқори баҳолаш баробарида МДХ давлатларининг хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди, шунингдек,

савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича қатор муҳим тақлифларни илгари сурди.

Халқаро экспертлар таъкидлашчи, Ўзбекистон томонидан илгари сурилаган ташаббуслар прагматик ва ҳозирги воқеликда долзарб бўлиб, замонавий қақириқларни олдиндан кўришга қаратилган.

Давоми 2-бетда



Маҳалла — ТАРАҚҚИЁТ БЕШИГИ

(Биринчи мақола)

Жорий йилнинг 3-5 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Президентимизнинг “Камбағалликдан фаровонлик сари” ғояси асосида “Аҳолининг турмуш даражасини оширишда маҳалланинг ўрни” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Қарий эллика яқин мамлакат вакиллари иштирок этган анжуман кейинги йилларда юртимизда фаровон жамият барпо этиш ғоясини амалга ошириш ва шу мақсадда маҳалла институтининг фаолият механизми самардорлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар бардавонлигининг яққол исботи бўлди.

Айниқса, кўйлаб атоқли чет эллик экспертлар ва мамлакатимиз таниқли олимларининг бу борада Ўзбекистон тажрибаси шаклангани ва уни атрофлича ўрганишга бағишланган маърузалари, тақлиф ва тавсиялари катта қизиқиш уйғотганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Давоми 4-бетда

Нуктаи назар

ОЛТИ МИЛЛИАРДАН ЗИЁД АҲОЛИ ЯШАЙДИГАН МАМЛАКАТЛАР АЪЗО БЎЛГАН МОЛИЯВИЙ ТАШКИЛОТ У билан ҳамкорлик бизга нима беради?

Минтақада илк бор Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки бошқарувчилар кенгашининг йиллик йиғилиши кўхна ва навқирон Самарқандда — Ўзбекистонда ўтказилгани бежиз эмас. Бу ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган ҳамкорликнинг юксак намунаси.

Дунё миқёсида тобора мураккаблашиб бораётган глобал хавф-хатарлар оқибатини юмшатиш, барқарор ўсиш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш шароитида халқаро молия ташкилотларининг роли тобора ошиб бормоқда. Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки қисқа муддатда 55 миллиард долларлик лойиҳалар портфели билан нафақат минтақа, балки жаҳон миқёсидаги энг нуфузли молия ташкилотларидан бирига айланди.

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар ва туб ўзгаришлар даврида асосий эътибор иқтисодийни либераллаштириш, халқимиз турмуш даражаси ва фаровонлигини юксалтиришга қаратилмоқда. Бунинг натижасида ўтган даврда ялпи ички маҳсулотимиз ҳажми 2 баробар кўпайиб, илк бор 100 миллиард доллардан ошди.

Давоми 2-бетда



ЎЗБЕКИСТОН МДХ ДОИРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ ТУЗИЛМАГА АЪЗО БАРЧА ДАВЛАТЛАР МАНФААТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРАФДОРИ

Бошланиши 1-бетда

Антонио АЛОНСО, Сан-Пабло университети профессори (Испания):

— Саммит давомида Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни ривожлантириш юзасидан конструктив фикр алмашилди, бу эса барча даражадаги шериклик алоқаларини мустақамлаш муҳимлигидан далолат беради.

Ўзбекистон етакчиси хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, МДХ мамлакатлари махсус хизматлари ва ваколатли идораларнинг тизимли ҳамкорлигини йўлга қўйиш, кибархавфсизликни таъминлаш соҳасида келишилган чоралар ҳамда дастурий ҳужжатларни қабул қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон етакчиси нутқида ҳамкорликнинг иқтисодий жиҳатлари ҳам асосий ўринни эгаллади. Республиканинг йил бошидан буюн МДХ давлатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 16 фоиз ўсгани ва саноат кооперациясининг муваффақиятли намуналарини янада ривожлантириш учун салмоқли салоҳият мавжудлигидан дарақид.

2025 йил баҳорида Тошкент шаҳрида “Иннопром” халқаро саноат кўргазмаси доирасида МДХ Иқтисодий кенгаши йиғилиши ва Инновацион ривожланиш форумини ўтказиш таклифи Ўзбекистоннинг кооперацияни янада мустақамлаш, креатив ва рақамли ечимларни илгари суриш истагидан далолат беради.

Ван СЯНЦЗЮ, Жэньминь университети хузуридаги Россия тадқиқотлари маркази директори ўринбосари (Хитой):

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев МДХ саммитидаги нутқида Ҳамдўстлик давлатларининг ҳам хавф-



сузлиги, ҳам иқтисодий ҳамкорлиги учун муҳим бўлган қатор долзарб мавзуларга тўхталиб ўтди.



Солиҳ ЙИЛМАЗ, Россия ва МДХ мамлакатларини ўрганиш институти директори (Туркия):

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг узоқни кўзлаган ва прагматик ташқи сиёсати, принципал сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистон МДХга аъзо барча давлатлар билан кўп қиррали ҳамкорликни жадал ривожлантиришга эришди.

Ўзбекистон раҳбари МДХнинг жорий саммитидаги иштироки орқали ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги фаол ҳамкорлик муҳимлигини тасдиқлади ҳамда МДХ доирасидаги ришталарнинг долзарб ва устувор йўналишларини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев МДХ давлатларининг хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича юзага келатган вазиятга алоҳида эътибор қаратди, МДХ мамлакатлари махсус хизматлари ва ваколатли идоралари ўртасида тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш, замонвий муаммоларни ҳал қилиш, хавфсизликни таъминлаш соҳасида мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни кўришни амалга оширишни қайда этди.

Шунингдек, Ўзбекистон раҳбари МДХ доирасидаги ҳамкорликнинг иқтисодий йўналиши устувор вазифа бўлиб келгани ва шундай бўлиб қилишини, бу борадаги ҳамкорликни кучайтириш учун МДХ тармоқ кенгашлари ва қўмиталари фаолиятини фаоллаштириш зарурлигини билдирди. Бу минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва товар айирбошлаш ҳажмининг янада ўсиши учун рағбат бўлиб хизмат қилади.

МДХ давлатларининг етакчи таҳлилий марказлари конференцияси Тошкентда ташкил этилгани ва шу нуктаи назардан Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан 2025 йилда Тошкент шаҳрида МДХ Иқтисодий кенгаши йиғилиши ва Инновацион ривожланиш форумини ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг МДХ доирасидаги узоқ муддатли ҳамкорликнинг янги устувор йўналишлари, хусусан, интернет технологиялари ва “катта маълумотлар” индустриясини ривожлантириш, рақамли ечимларни жадал жорий этиш, креатив иқтисодиёт, “яшил” энергетика ва ядро технологиялари, иқлим муаммолари ва бошқаларни қўллаб-қувватлаш бўйича таклифини ҳам муҳим деб билди.

Ишончим комилки, МДХ саммити доирасида Ўзбекистон раҳбари илгари сурган барча ташаббусларнинг амалга оширилиши Ҳамдўстлик маконидаги мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш учун хизмат қилади.



Владимир ДЕРБЕНЕВ, Россия Маданият вазирлиги эксперти:

— МДХ саммитида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақамлашга қаратилган жуда муҳим қарорлар қабул қилинди. Ҳозирги кунда МДХ энг йирик давлатлар о таъкилотлардан бири саналди. Аслида, у глобал умумий кенг ҳудуду ва деярли 300 миллион аҳолиси бўлган 10 та мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқлари учун муҳим бозордир.

Биргина сўнгги саккиз йил ичида МДХда товар айирбошлаш икки баравардан кўпроқ ўсди ва ўтган йили 118,7 миллиард долларга етди, бу бирлашманинг бутун тарихидаги юқори кўрсаткичдир.

Бугунги кийин дамларга қарамай, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳар томонлама мустақамлашиб, ривожланиб бораётгани қувонарлиқдир.

Сун ЧЖУАНЧИ, Хитой Иқтисомий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тизимли кўп тартибда МДХ давлат раҳбарлари кенгашининг Москва шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги мажлисидаги иштироки яна бир муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистон етакчиси ўз нутқида устувор йўналишлар — хавфсизлик, иқтисодиёт, маданий-гуманитар йўналишлардаги ҳамкорликнинг қатор долзарб масалаларига алоҳида тўхталиди.

Ўзбекистон раҳбари, хусусан, МДХдаги мавжуд хавфсизлик ҳолатига эътибор қаратиб, Ҳамдўстлик давлатларининг барқарор ривожланишини таъминлаш учун кулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳимлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев ушбу тузилма доирасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга янги суръат бағишлаш учун МДХнинг тармоқ кенгашлари ва қўмиталари фаолиятини фаоллаштириш зарурлигини ҳам қайда этди. Шу мақсадда Ўзбекистон келаси йили Тошкентда бўлиб ўтадиган “Иннопром” халқаро саноат кўргазмаси доирасида МДХ Иқтисодий кенгаши йиғилиши ва Инновацион ривожланиш форумини ўтказиш таклифи билан чиқди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Президенти ўз нутқида интернет технологиялари ва “катта маълумотлар” индустриясини ривожлан-



тириш, рақамли ечимларни жадал жорий этиш, креатив иқтисодиёт, “яшил” энергетика ва ядро технологиялари, иқлим муаммолари каби янги йўналишларда узоқ муддатли алоқаларни қўллаб-қувватлаш алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбари МДХ доирасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлик ҳақида гапирар экан, соғлиқни сақлаш, таълим, санъат, кино, туризм ва спорт соҳаларини ҳар томонлама қамраб олувчи қўшма тадбирларнинг йиллик дастурини қабул қилишни таклиф этди.

Умуман олганда, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган таклифлар Ўзбекистон МДХнинг фаол, конструктив ва масъулятли иштирокчиси эканидан далолат беради. Айнан шу жиҳатлар мутаносиблик ва прагматизм билан ажралиб турадиган янги Ўзбекистон ташқи сиёсатига ҳосилдир.

Виктор КИМ, Тожикистон Миллий фанлар академияси Фалсафа, сиёсатшунослик ва ҳуқуқ институти илмий ходими:

— МДХ давлат раҳбарлари кенгаши Москва шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги мажлиси янги истиқболларни очиб, Ҳамдўстликка аъзо давлатлар тараққиётида



муҳим босқичнинг бошланиши бўлиши мумкин. Саммит кун тартибига келишилган ва таниш масалалар мавжуд бўлиб, учрашув муҳити истиқболга қаратилган янги

конструктив биргаликдаги ечимларга таъсир қилади.

Бир қатор экспертларнинг МДХнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари ҳақидаги танқидий фикрларига қарамай, тузилма маконида 2023 йилнинг май ойидан ҳозирги кунгача рўй бераётган сифат ўзгаришларига эътибор қаратиш лозим. Бу, биринчи навбатда, сўнгги етти йил ичида ягона минтақа сифатида шаклланган ва 2024 йилда ривожланиш ва ўсишини янги босқичга кирган Марказий Осиёнинг бешта давлати тимсолида МДХ асосларини сезиларли даражада мустақамлашдир.

Марказий Осиё мисоли МДХни мустақамлаш ва биргаликда ривожланиш учун яхши туртки бўлиши мумкин. Марказий Осиё мамлакатлари муносабатлари 2017 йилдан бери Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилатган ва минтақадаги барча давлат раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланган яхши қўшничилик ва ишонч тамойилларига асосланган.

Давлат раҳбарлари даражасидаги “С5+” каби янги форматлар самардорлиги ўзини исботлади ва дунёнинг етакчи ҳамда минтақавий кучлари томонидан тан олинди.

Ишончим комилки, МДХ давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси барча томонлар учун янги тараққиёт босқичи ва янги истиқболларнинг бошланиши бўлади.

“Дунё” АА

Нуктаи назар



Фарҳод ЗАЙНИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон 2016 йил ноябрда ОИИБга аъзо бўлди. Сўнгги йилларда мамлакатимиз банкнинг энг йирик бенефициарларидан бирига айланди. Амалга оширилган ва жорий лойиҳалар портфели 3 миллиард доллардан ошиб, “яшил” энергетика, йўл-транспорт ва коммунал инфратузилмани модернизация қилиш, таълим ва соғлиқни сақлаш, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш каби устувор йўналишларни қамраб олган.

ОЛТИ МИЛЛАРДАН ЗИЁД АҲОЛИ ЯШАЙДИГАН МАМЛАКАТЛАР АЪЗО БЎЛГАН МОЛИЯВИЙ ТАШКИЛОТ

У билан ҳамкорлик бизга нима беради?

Бунга қандай эришилади?

Мамлакатимизда камбағалликни кўп йиллар давомида ёпиқ мавзу бўлиб келди. Бу ибора ўрнига “кам таъминланганлик” деган тушунчадан фойдаландик. Инсон қадрини улуглаш, одамлар фаровонлигини оширишга қаратилган улкан ислохотлар натижасида охириги тўрт йилда мамлакатимиздаги камбағаллик даражаси 23 фоиздан 11 фоизга тушди. Жорий йилда бу кўрсаткиччи 9 фоизга, 2030 йилга қадар эса 2 баробар пайсаятириш мақсад қилинган.

Ҳўш, ушбу натижага қандай эришиш мумкин? Фикримизча, тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлаш, фуқаролар учун барча соҳада янги иш ўринлари очиб ва аҳолининг даромад манбаларини кўпайтириш, бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали бундай маррага етиш мумкин.

даражасига тушган ҳолда камбағалликни қисқартириш бўйича Ўзбекистон тажрибаси яратилгани таъкидланди.

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича кенг қамровли ишлар бажарилди. Бунга барча туман ва шаҳарларда эҳтиёжман оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги тизим — “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” жорий этилганини мисол сифатида келтириш ўринли.

240 минг ўринли боғчалар барпо этилади

Юртимиздаги янгиланишлар ҳақида гапирганда, иқтисомий соҳанинг асоси ҳисобланган таълим тизимидаги ўзгаришлар ҳақида сўзлашнинг иложи йўқ. Сабаби мамлакатимизда таълим-тарбия, илм-фанга эътибор мутлақо ўзгариб, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам таълим тизими ислохотлари энг биринчи вазифа этиб белгиланди. Шунга мувофиқ, бу жабҳа ҳам умумий, ҳам ихтисослаштирилган тарзда ривожлантирилмоқда.

сектор билан бирга 240 минг ўринли боғчалар барпо этилади.

Давлатимиз раҳбарининг таълимдаги лойиҳаларни халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлигимизнинг янги истиқболга йўналиши сифатида белгилаб олиш ҳақидаги таклифи нафақат соҳа вакиллари, балки тадбир иштирокчилари томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Шу нуктаи назардан айтганда, ушбу ташаббуслар мамлакатимиз тараққиётини белгилаб берувчи салоҳиятли кадрлар тайёрлашга кенг имкониятлар яратиши шубҳасиз. Зотан, муаммолар ечими, саволлар жавоби фақат ва фақат таълимда. Ҳамма эшикни очадиган калит ҳам таълим-тарбиядир.

Жозибдор лойиҳалар

Ўзбекистонда энергетика, сув, транспорт, ахборот технологиялари ва бошқа инфратузилмаларни яхшилаш учун йиллик эҳтиёж ялли ички маҳсулнинг 10 фоизига тенглиги ҳисоб-китоб қилинган. Бу борада халқаро молия ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиб, 2030 йилгача 30 миллиард долларлик давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича катта дастур қабул қилинди. Хусусан, “Тошкент — Самарқанд” ва “Тошкент — Андижон” йўналишларида пулли автомобиль йўллари, “Тошкент — Самарқанд”, “Самарқанд — Навоий — Бухоро” йўналишларида тезувор

долларлик электр тармоқлари ишга туширилиши барча халқаро молия ташкилотлари учун жозибдор лойиҳа бўлади.

Нуфузли тадбирда Президентимиз Осиё инфратузилмалар инвестициялар банки бошчилигида Марказий Осиёда “яшил” энергияни ривожлантириш дастурини амалга оширишни таклиф этди.

Минтақада йирик инфратузилма лойиҳаларига талаб кун сайин ортиб бормоқда. Ҳозир амалга ошириш бошланган “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўлини қуриш ана шундай йирик минтақавий инфратузилма лойиҳасидир.

Бундан ташқари, Марказий Осиёда озиқ-овқат хавфсизлиги ва сув ресурслари тақчиллиги муаммолари, айниқса, ўткир тул олмақда. Мамлакатимиз бу борада ўз стратегиясини ишлаб чиқиб, келгуси беш йилда сувдан фойдаланиш самардорлигини 25 фоиз ошириш орқали 15 миллиард куб метр сувни тежаш бўйича катта лойиҳаларни бошлаган. Шу бонс, давлатимиз раҳбарининг Осиё инфратузилмалар инвестициялар банки билан ҳамкорликда сув тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш бўйича минтақавий марказ ташкил этиш ташаббуси аини мудоа.

Шунингдек, Ўзбекистонда барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида Осиё инфратузилмалар инвестициялар банкнинг ҳиссаси юқори баҳоланди. Бугун инфратузилма, энергетика, транспорт, сув таъминоти ва барқарор ривожланиш йўналишида банк билан 3 миллиард долларлик 15 та лойиҳа муваффақиятли амалга оширилган эътироф этилди.

Кейинги йилларда банк билан ҳамкорлик мисли қўрилмаган юксак даражага кўтарилди. Бугун жуда муҳим глобал ва минтақавий муаммоларга замонвий ёндашувлар асосида ечим топиш, янги лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш банкка аъзо мамлакатларда яшайдиган 6 миллиарддан зиёд одамнинг кундалик ҳаётига бевоисита таъсир қилади.

ТАБИЙ РЕСУРСЛАРНИ АСРАШ ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ — БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗ!

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ер, сув, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан самарали фойдаланиш соҳасидаги ислохотларни жадаллаштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш каби масалалар экологик хавфсизликнинг асоси ҳисобланиб, бу масалаларни ҳал қилишда Ўзбекистон Экологик партияси ўзининг Сайловолди дастурида аниқ мақсадларни ўз олдига вазифа қилиб қўймоқда.

“Табиат учун бирлашайлик” шиори остида партияимиз мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини, экологик хавфсизлигини таъминлашга ҳамда табиий ресурслардан оқилонана фойдаланишга йўналтирилган давлат сиёсатини рўйбга чиқариш, экологик масалаларни ҳал этиш нафақат давлатнинг вазифаси, балки жамиятнинг ҳамда ҳар бир фуқаронинг бурчи бўлишига эришиш мақсадида аниқ ва амалий тақлифларни, ҳаётий ташаббусларни илгари сурмоқда.

СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ: МАҚСАД САРИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ҒОЯЛАР ВА АМАЛИЙ ҚАДАМЛАР

Жаҳон банкнинг таҳлилларига кўра, 2050 йилга бориб, Ўзбекистонда **сувга бўлган талаб 59 куб километрдан 62-63 куб километргача ошади** ва мавжуд сув ресурслари сезиларли даражада камакди. Бундай вазиятда фақат сувдан оқилонана фойдаланиш ва тежамкорлик чораларининг ўзи камлик қилади.

Мана шундай мураккаб шароитда эш тўғри ва оқилонана ечим — ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги ислохотларни жадаллаштириш, бу борада аниқ вазифаларни амалга оширишдир. Ўзбекистон Экологик партияси ўзининг Сайловолди дастурида ушбу йўналишда бир қатор ташаббус ва тақлифларни илгари сурмоқда. Мамлакатимизда сув ресурсларидан фойдаланишдаги бугунги реал вазият, мавжуд муаммолардан келиб чиқиб, ҳал этилиши зарур бўлган вазифаларни кун тартибига олиб чиқмоқда.

Ўзбекистон Экологик партияси Сайловолди дастурида табиатнинг бебаҳо неъматини бўлган сув ресурсларидан оқилонана фойдаланиш, аҳолининг тоза ичимлик сув таъминотини яхшилаш ҳамда бу борада мавжуд муаммолар ечими юзасидан аниқ тақлифлар илгари сурилмоқда.

Сув ресурслари, айниқса, ичимлик мақсадларида фойдаланиладиган сув захираларининг тақчиллашиб бориши сувга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш йўли билан ичимлик сув ресурсларидан оқилонана фойдаланиш механизмининг яратилиши кечиктириб бўлмайдиган вазифа сифатида олдимида қўймоқда.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, мамлакатимиз сув ресурсларининг асосий манбаи бўлган **иккита йирк дарё** — Амударё ва Сирдарё оқими ҳозирда **15 фойзга** қисқариши мумкин. Шундай бўлган тақдирда бутун Марказий Осиё бўйича аҳоли жон бошига сув билан таъминланиш даражаси **25 фойзга**, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги эса **40 фойзгача** камайиб кетиши эҳтимолдан холи эмас.

Сайловолди дастурида сув ресурсларидан оқилонана фойдаланишга қаратилган бир қатор тақлифий-ҳуқуқий ислохотлар олиб бориш тақлиф этилмоқда. Жумладан, **янги сув ҳавзаларини барпо этиш ва сувни барқарор бошқариш учун ирригация тизимларини ривожлантириш** чоралари тақлиф этилмоқда.

Экопартиянинг **ёнгир сувларидан самарали фойдаланиш** дастурини ишлаб чиқиш, **2025 йилдан қурилиш майдони 500 квадрат метрдан ортиқ** бўлган уй, бино ва объектларда ёнгир сувларини йиғиш тартибини жорий этиш, ёнгир сувидан фойдаланишни давлат томонидан рағбатлантириш механизмлари ва давлат-хусусий шериклик тамойилларини жорий этиш бўйича тақлифлари ўта муҳим ҳисобланиб, ҳорийий давлатлар амалиётида ҳам ёнгир сувларидан самарали фойдаланиш йўлга қўйилган. Жумладан, Туркияда **2 минг квадрат метрдан ортиқ** кўп қаватли уйлар ҳамда янги қуриладиган биноларда ёнгир сувини йиғиш тартиби белгиланган. Германияда Франкфурт аэропортида **йиғилган ёнгир суви** аэропортнинг кўкаламзорлаштирилган ҳудудларининг **60 фойзини** суғориш ва техник сув ўрнини қоплаш имконини беради. Австралияда эса ёнгир сувни шаҳарларда **9 фойз**, шаҳардан ташқарида **63 фойз** сувга бўлган талабни қондиради.

Мавжуд муаммоларга эътибор қаратадиган бўлсак, юртимиз бўйлаб ёнгир сувнинг ўртача йиллик ҳажми **186 мм** ни ташкил этади. Ҳисоб-китобларга кўра, **1 квадрат метр** том сатҳдан ўрта ҳисобда **186 литр**га тенг ёнгир сувини тўплаш мумкин.

Агар биз ҳозирда ишлаб чиқариш, уй-хўжалиги, маиший, автомобилларни ювиш каби мақсадларда сарфланаётган сувни ёнгир сув билан алмашиб олишга эришсак, мамлакатимизда **сув ресурсларидан оқилонана фойдаланиш** соҳасидаги ислохотларни жадаллаштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш каби масалаларни ҳал қилишда Ўзбекистон Экологик партияси ўзининг Сайловолди дастурида аниқ мақсадларни ўз олдига вазифа қилиб қўймоқда.

суви ҳисобидан қопласак, мамлакат бўйича сезиларли миқдорда тоза ичимлик сувни тежашга эришамиз. Ёнгир сувларини тўплаш одамларнинг сувга бўлган муносабатини ўзгартирибгина қолмай, ҳар бир юрtdошимизни сувни тежашга, ёнгир сувларини йиғиб фойдаланишга ундаб, миллионлаб кубометр беҳуда йўқотиладиган қимматбаҳо ресурслардан самарали фойдаланиш маданиятини оширади.

Худудларда ёнгир сувларидан фойдаланган ҳолда кичик яшил майдонлар ва боғлар барпо этиш ишларини ташкил этиш ва бунда турар жойлар ва шахсий хўжаликларда ёнгир сувларини йиғиш ҳамда фойдаланиш қурилмалари билан жиҳозлаб, ундан фойдаланиб келаятган жисмоний ва юридик шахсларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш мамлакатда “яшил майдон”ларни сезиларли кўпайтиришга, уларни барқарор сақлашга хизмат қилади.

Шунингдек, қор-ёнгир ва сел сувларини йиғиш имконияти мавжуд бўлган ҳудудларда қўшимча сел-сув омборларини ташкил этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги, саноат ва маиший соҳада фойдаланиладиган оқилонана ва чиқинди сувларини тозалаш, қайта фойдаланишга киритиш (re-use) чораларини жорий этиш, ўз навбатида, сувдан фойдаланиш самараларини ошириб, сув бекорга сарфланишининг олдини олади.

Партия гидрогеологик тадқиқотлар асосида ер ости сувларидан самарали фойдаланиш ҳолда **ламлиқор деҳқончиликни ривожлантириш**ни мамлакатда аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим тадбирлардан бири, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Экологик партияси ўзининг Сайловолди дастурида янги сув ҳавзаларини барпо этиш ва сувни барқарор бошқариш учун ирригация тизимларини ривожлантириш тақлифини ҳам илгари сурмоқда.

Сув ресурсларидан оқилонана фойдаланиш мақсадларида янги қуриладиган кўп қаватли турар жойларда ичимлик ва хўжалик мақсадларида фойдаланиладиган сувларни алоҳида-алоҳида қувурларда етказиб берилишини ташкил этиш аҳолининг ичимлик ва суғоришга мўлжалланган сувдан оқилонана фойдаланиш ва сув ресурслари ҳисобини юритишда муҳим ҳисобланади.

Сув таъминотида **бозор механизмларини жорий этиш**ни такомиллаштириш ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар минимал сув истеъмолдан келиб чиқиб, **сув сарфи миқдорини белгилаш**, ер ости сувлари сатҳининг пасайиши ва суғориш технологияларининг кенг жорий этилиши муносабати билан



50 фойзини қоплаб бериш тартибни жорий этиш тартибни ўрнатамиз”, деган вазифа илгари сурилган.

Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Экологик партияси айнан шу масала қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисmini қоплаш ва берилган субсидияни қайтариш тартибига



ўз ечимини топгани ҳамда 2022 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг кенг жорий этилиши муносабати билан

келган сув ва шамол эрозияси чўлланиш жараёнларини янада тезлаштирмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, республика-миз ҳудудининг **70 фойзи** ёки **31,4 миллион гектар** табиий шўрланишга, қум кўчкчлари, чангли бўронлар ва гармселлар тарқалиши таъсирига учраган қуроқчил ва ярим қуроқчил майдонлардан иборат. Қарийб **10 миллион гектар** яйловлар тубдан яхшиланишга муҳтож.

Ўзбекистон Экологик партияси Сайловолди дастурида табиатнинг бебаҳо неъматини бўлган сув ресурсларидан оқилонана фойдаланиш, аҳолининг тоза ичимлик сув таъминотини яхшилаш ҳамда бу борада мавжуд муаммолар ечими юзасидан аниқ тақлифлар илгари сурилмоқда.

суғориладиган ерларнинг гидрогеологик ҳолати тизимини илмий асосда қайта ишлаб чиқиш ҳам ўз навбатида ҳаёт учун муҳим бўлган сув ресурсларини муҳофаза қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Юқоридаги ташаббусларни иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларидан сувдан самарали фойдаланишга қаратилган **Миллий дастурини ишлаб чиқиш орқали ҳаётга татбиқ этиш** сув ресурсларидан тизимли равишда оқилонана фойдаланиш сиёсатини самарали амалга оширишни таъминлайди.

Бошқа сиёсий партияларнинг сув ресурсларидан оқилонана фойдаланиш борасидаги дастурий вазифаларига, масалан ЎзЛиДеП Сайловолди дастурига эътибор қаратадиган бўлсак, сув ресурсларидан оқилонана фойдаланиш борасида “Сув тежайдиган технологияларни жорий қилган фермер ва деҳқонлар харажатининг

ЕР РЕСУРСЛАРИ МУҲОФАЗАСИ ВА ЧўЛЛАНИШГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ

Бугунги кунда ерларнинг деградацияси, чўлланиш жараёнлари дунёнинг юздан ортиқ мамлакатларида тахдид сомиқда. Ачинарлиси, бу кўп жиҳатдан инсон омилга боғлиқ бўлиб, табиатдан аёвсиз фойдаланиш оқибатида юзага

суради. Бунда, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига сабаб бўлувчи имтиёзларни бекор қилишнинг ҳуқуқий асосларини ҳам белгилаб ўтиш назарда тутилади.

Инсоният ҳаёти учун энг муҳим омил бўлган атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, унинг сифат кўрсаткичларини экологик нормативларга мослигини таъминлаш ҳам бугунги куннинг глобал муаммоларидан биридир. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши инсон, ўсимлик, ҳайвонот, умуман, жамики тирик мавжудотларга зарарли таъсир кўрсатади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, дунёда ўнтадан тўққиз киши ифлосланган ҳаводан нафас оляпти. Ер юзининг **91 фойз** аҳолиси ҳавоси ифлосланган ҳудудларда яшамоқда. Ҳар йили **8 миллион** киши ҳавонинг ҳаддан ташқари ифлосланиши натижасида вафот этмоқда. Айниқса, Осиё ва Африка қитъаси мамлакатлари бу кўрсаткич бўйича юқори ўринларда туради.

Сўнгги йилларда атмосфера ҳавоси ифлосланишида антропоген таъсирнинг роли кескин ортиб бормоқда. Ишлаб чиқариш корхоналари, автомобиллар сонининг кўпайиши атмосфера ҳавосига ташланаётган ташланмалар миқдорининг ортишига сабаб бўлмоқда.

Эколог олимларнинг ҳулосаларига кўра, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига сабаб бўлувчи омилларни барқарор этиш, авваламбор, “яшил боғ” ва “яшил белбоғ”лар яратиш ва экологик тоза транспорт турларидан фойдаланишни рағбатлантириш, жамоат транспорти жозибадорлигини оширишни талаб этади. Қолаверса, **ёқилни сифатига эътибор қаратиш, анъанавий углеводород ёқилларидан муқобил ёқилни турларига ўтиш, “яшил” энергетикани кенг жорий этиш** тадбирларини амалга ошириш зарур.

Буларнинг ҳаммаси санитария-гигиена ва эстетик жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлиб, шаҳарнинг қурилиш-архитектура комплексига қўшилиб, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда жуда муҳим роль ўйнайди.

Мамлакатимизда тупроқ сифатининг муҳим кўрсаткичи бўлган **тупроқ унумдорлигини оширишга** йўналтирилган чоралар қурилишига қарамастан тупроқ унумдорлиги йилдан йилга пасайиб бормоқда. Жумладан, республикада ўртача тупроқ унумдорлиги 1991 йилда **58 балли**ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2001 йилда **55 балли**, 2021 йилда эса **53,7 балли**ни ташкил этган. Шунингдек, ҳозирда суғориладиган ерларнинг қарийб **53,2 фойзи** турли даражада шўрланган, яйловларнинг эса **10,8 фойзи** турли даражада деградацияга учрагани бу борада фаолиятни янада такомиллаштириш зарурлигини таъкид этмоқда.

Ўзбекистон Экологик партияси мамлакатдаги **қишлоқ хўжалигида суғориладиган майдонлардан янада самарали фойдаланиш, фойдаланишдан чиққан ерларни қайта фойдаланишга киритиш** ер ресурсларидан самарали фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлайди. Бунда, қишлоқ хўжалиги эканларини етиштириш учун ерларни экинга тайёрлашда ресурс ва энергетика, экологияга бевзарар бўлган “No-TILL” (ерга минимал ишлов бериш) каби инновацион технологияларни кенг жорий этиш тақлифини илгари суради.

Мамлакатимизда тупроқ сифатининг муҳим кўрсаткичи бўлган **тупроқ унумдорлигини оширишга** йўналтирилган чоралар қурилишига қарамастан тупроқ унумдорлиги йилдан йилга пасайиб бормоқда. Жумладан, республикада ўртача тупроқ унумдорлиги 1991 йилда **58 балли**ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2001 йилда **55 балли**, 2021 йилда эса **53,7 балли**ни ташкил этган. Шунингдек, ҳозирда суғориладиган ерларнинг қарийб **53,2 фойзи** турли даражада шўрланган, яйловларнинг эса **10,8 фойзи** турли даражада деградацияга учрагани бу борада фаолиятни янада такомиллаштириш зарурлигини таъкид этмоқда.

Ўзбекистон Экологик партияси мамлакатдаги **қишлоқ хўжалигида суғориладиган майдонлардан янада самарали фойдаланиш, фойдаланишдан чиққан ерларни қайта фойдаланишга киритиш** ер ресурсларидан самарали фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлайди. Бунда, қишлоқ хўжалиги эканларини етиштириш учун ерларни экинга тайёрлашда ресурс ва энергетика, экологияга бевзарар бўлган “No-TILL” (ерга минимал ишлов бериш) каби инновацион технологияларни кенг жорий этиш тақлифини илгари суради.

АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БУГУНГИ КУННИНГ ЭНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИДАН БИРИ

Ўзбекистон Экологик партияси ўзининг Сайловолди дастурида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, озон қатламнинг емирилиши, иссиқхона газлари нормадан ортиқ чиқарилишининг олдини олиш ва бу борада ташкилий-ҳуқуқий механизмларни аниқ белгилаш мақсадида замонавий халқаро стандартларга жавоб берувчи янги тахрирдаги “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш ташаббусини илгари

қопламалар барпо этилишига эришиш, **оқова сувларини тозалаш иншоотларини модернизация қилиш ва янгилашни қуриш**, локал оқова сув тозалаш иншоотлари бўлмаган корхоналар фаолиятини экологик талабларга жавоб берадиган технологиялар жорий этилмагунча тўхтатиш тартибининг жорий этилиши атроф-муҳит ифлосланиши билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш ва барқарор этишга хизмат қилади.

БИОЛОГИК РЕСУРСЛАР МУҲОФАЗАСИДА КРЕАТИВ ЁНДАШУВЛАР ЗАРУР

Ўзбекистон Экологик партияси томонидан мамлакатимизнинг ўзига хос ноёб биологик хилма-хиллиги ишончли сақланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон **Қизил китобига киритилган ўсимликлардан фойдаланишга ва ёввойи ҳайвонларни ов қилишга мўддатсиз мораторий эълон қилиш** юзасидан илгари суриладиган муҳим тақлифларини эътироф этиш мумкин.

Ўзбекистон 1995 йил БМТнинг Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги (1992 йил) конвенциясига қўшилган давлат сифатида ўзига бир қатор, шу жумладан, биологик хилма-хиллик ишончли сақланишини таъминлаш мақсадида мавжуд муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни кенгайтириш ва янгилашни ташкил этиш мажбуриятини олган.

Мамлакатимиз ҳудудида 4500 га яқин олий ёввойи ўсимлик ва 2000 дан зиёд замбуруғ турлари, фаунасида умуртқали ҳайвонларнинг 714 тури, умуртқасиз ҳайвонларнинг эса 15 миңдан ортиқ турлари мавжуд бўлиб, Ўзбекистон Қизил китобига ноёб ва йўқолиб кетиш арафасида бўлган **203 турдаги** ёввойи ҳайвонлар ҳамда **313 турдаги** ёввойи ўсимликлар киритилган. Таъкидлаш жон, сўнгги йилларда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланиш учун уларни табиатдан олиш учун квота миқдори талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда кўпайиб бормоқда. Зеро, ушбу ҳолат айрим ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари учун улар генофондининг сақлаб қолинишида хавфларни келтириб чиқармоқда.

Қизил китобга киритилган ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш масалалари, шу жумладан, ноёб ҳайвон турларини табиатдан ажратиб олиш, шунингдек, ўраб қоплаб олиш берилишида камчиликлар мавжуд. Хусусан, Қизил китобга киритилган қўнғир айиқ, Марказий Осиё чўл тошбақаси, жайрон каби ҳайвонлар тартибсиз равишда табиатдан олинмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида “Қизил китобга киритилган ёввойи ҳайвонларни овлаш учун рухсатнома беришга беш йил мўддатга мораторий эълон қилиш” ғояси илгари сурилмоқда. Ўзбекистон Экологик партияси Қизил китобга киритилган ўсимликлардан фойдаланишга ва ёввойи ҳайвонларни ов қилиш мўддатли, яъни беш йилга мўддатли мораторий эълон қилиш самара бермайдиган деб ҳисоблайди ҳамда уни мўддатсиз қилиб белгилаш лозимлигини қатъий таъкидлайди.

Партияимиз, бугунги кунда ёши катта дарак ва буталарни бошқа жойга қўчириб ўтказиш оқибатида уларнинг шикастан-тирилиши ва қуриб қолиши ҳолатларининг ошиб бораётганини ҳисобга олиб, **10 ёшдан катта даракларнинг қўчириб ўтказишни тақиқлаш**, шунингдек, ўраб олинган қуриш майдонларидаги дараклар турли усулларда қасдан қуриштирилганлигини, қуриш объектларида мавжуд қўқариб турган кўп йиллик даракларни кесиб ташлаш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида **қуриш мақсадларида даракларни ноқонуний кесган тадбиркорларнинг ерга бўлган ҳуқуқини кесиб ташлаш ҳолатлари учрамоқда.**

2030 йилдан **пойтахт ва йирк шаҳарларда ички ёнғун двигателли енгил автомобиллар ҳаратини, 2035 йилдан эса мамлакатда уларнинг сотилишини тақиқлаш** ташаббуси аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қулай атроф-муҳит яратишга ҳамда мамлакатда экологик тоза транспорт воситаларини ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, атмосфера ҳавоси мусатфоси-гини таъминлашга хизмат қилувчи атмосфера ҳавосига чиқариладиган зарарли газлар миқдорини **2 баробарга камайтириш**, мез-ёрдан ортиқча ифлослантурувчи моддаларни чиқарганлик учун **компенсация тўловларини 10 баробарга ошириш** бўйича дастурий вазифаларни амалга ошириш мақсади ҳам партия дастуридаги аниқ бугунги кун учун нақадар аҳамиятли эканини кўрсатади.

Шу билан бирга, партиянинг Сайловолди дастуридаги **қум ва туз бўронлари кўтарилиши хавфи юқори бўлган ҳудудлар хариталарини ишлаб чиқиш**, бу жойларда давлат дастурлари асосида иҳотазорлар, яшил

Наврўзбек ЮСУПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Нобиа ИНОЯТОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод

Буюк ўзбек йўли



Маҳалла

ТАРАҚҚИЁТ БЕШИГИ

(Биринчи мақола)

Қиём НАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бегда

“Камбағалликдан фаровонлик сари” гоёси

Ғояларнинг дунёга келиши ва тадрижида доир тадриқотлар шундан далолат берадики, бахтли ҳаёт кечириб ва фаровон жамият барпо этиш орузи инсоният тарихининг энг қадимги даврларидан бошланган. Аллома бобомиз Берунийнинг бундан минг йил илгари яратилган “Ҳиндистон” асарига қадимги юнонлар ва ҳиндларнинг тафаккур тарзи қарийб бир хил бўлгани ҳақида ёзилган. Бу билан буюк аллома Шарқ ва Ғарб тафаккурининг эгизаклиги, бирда пайдо бўлган ғояларнинг иккинчисидан айро эмаслигини, яъни ғоялар соционикасининг умуминсоний характерга эгаллигини генерал тарзда исботлаган.

Қадимги Хитой халқининг доно файласуфи Конфуцийнинг “Фаровонлик — мақсад, ислохотлар — унга эришиш йўли, барқарорлик эса унинг қафолатидир”, деган стратегемаси бор. Шу элнинг яна бир донишманди Лао Цзининг “Халқни ислохотчиға, ҳар бир онадонни тадбиркорға айлантиринг ва ана шулар фаровонликка эришишнинг асосий имкониятидир”, деган ҳикмати ҳам бор. Айни шундай ҳикматлар Хитой элини қадимги замонлардан бошлаб барқарорликни маҳкам ушлаб, фаровонлик сари интиладиган ислохотчи халққа айлантирган. Натижа эса маълум. Мазкур элда юз йилларга чўзилган ислохот даврлари бўлган. Қанчадан қанча йиллар ўтса ҳам халқнинг кўйлаб авлодлари шу йўлдан оғишмай бораверган. Бу Хитойни улкан давлатга, барқарор мамлакатга ва бугунгидек фаровон ҳаётга етказган.

Бундай пурмаъно ҳикматлар Ғарб фалсафаси асосчилари Фалес ва Солон, Сукрот ва Афлотунда ҳам учрайди. Қадимги Юнонистонда яратилган эвдемонизм ва гедонизм каби таълимотлар, гарчанд баъзи ноқисликлардан холи бўлмаса-да, аслида, бахтли яшаш ва фаровонликка интилишнинг илмий-фалсафий ифодаси бўлганини мутахассислар яхши билади. Айнан шундай халқона ғоялар ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширилиши уларнинг муаллифлари яшаган замонларда эл-юртга катта фойда келтирган, ушбу алломаларнинг замонашларини юксак мақсадлар сари бошлаган.

Аллома бобомиз Берунийнинг юқорида қайд қилинган асаригада ишора шундай воқеликларга нисбатан ёзилган. Бундан икки ярим минг йил илгари инсоният тарихида

“Афина иттифоқи” дея ном қолдирган 158 та шаҳар давлатнинг бир неча юз йиллик ҳамкорликдаги ҳаётга эришишига ердан берган бу ғоялар таъсири ҳалигача сезилиб туради ва баъзи мамлакатлар ҳаётининг бугунги амалиётида замонавийлашган ҳолда қўлланилади.

Юртимиз ўтмиши ва тадрижида ҳам фаровон яшаш орузи барча замоналарда бирор тарзда намоён бўлиб турган. Боболаримизнинг энг қадимги осори атиқаларидан бири “Авесто”да бу ҳақида нидолар ва умидлар жамланган мисралар борлиги, қадимги туркий тошбитикларда ҳам ушбу анъананинг ўзига хос излари мавжудлиги асло тасодиф эмас. Узоққа бормайлик, буюк саркарда бобомиз Амир Темурнинг мингта тадбирсиз ва ношуд кишидан кўра, битта тадбиркор инсоннинг афзаллиги ҳақидаги фикри бежиз ёзилмаган.

Президентимизнинг “Камбағалликдан фаровонлик сари” гоёси айнан ана шундай натижадор умуминсоний анъаналарга таянади ва халқимизга хос кўйлаб эзгу мақсадларни амалга оширишга хизмат қилмоқда. “Ҳар бир оила — тадбиркор”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади” каби тамойиллар ҳам ушбу гоёнинг таркибий қисми сифатида муҳим аҳамият касб этётганини ҳар биримиз кўриб турибмиз.

Мазкур гоё ва ушбу тамойиллар сўнгги тўрт йилда Президентимиз томонидан энг кўп таъкидланган ва алоҳида аҳамият берилган мавзу ва масалалар сирасига кирди. Йиллар давомида “ёпиқ мавзу” бўлиб келган, “кам таъминланган”, “эҳтиёжманд” каби жумлалар билан ўзига хос тарзда ифодаланган камбағаллик даражаси 2020 йилда илк мартаба эътироф этилгани барчамизнинг эсимизда қолган ва жаҳон эътиборини тортган муҳим воқеалардан бири бўлган эди.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатда камбағаллар қатлами таркибини оқиқ-ойдин гапиринчи, аввало, бориши жасорат эди. Чунки Президент бу билан бир вақтнинг ўзига муаммони бартараф этиш бўйича катта масъулиятни зиммасига олди. Маълумотларга кўра, ўшанда 7,5 миллион ёки 23 фоиз аҳолининг даромади камбағаллик чегарасига етмасди.

Президентимиз раислигида 2020 йил 27 февраль куни тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу масала дастлаб кун тартибига ниҳоятда жиддий қўйилди. Масалани ҳал қилиш имкониятини кечиктирмаслик зарурлигини инобатга олган ҳолда давлатимиз раҳбари томонидан мутахассисларга тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш юзасидан кечиктириб бўлмаб топшириқлар берилди. Камбағаллик чегараси ҳеч қачон ҳисоблаб чиқилмаган давлатда биринчи марта аҳолининг истеъмолдаги хусусиятлари борасида сўровномалар, тадқиқотлар ўтказилди. Мамлакат тарихида илк мартаба

камбағаллик чегараси — минимал истеъмол харажатлари миқдори белгиланди, уни мутасил кўтариб бориш чора-тадбирлари дастури ишлаб чиқилди ва у амалга оширилди бошланди.

Ғоя умуммиллий ҳаракатга айланмоқда

Ҳар қанча генерал бўлмасин, амалиётга айланмайдиган ғояларнинг фойдаси йўқлиги аллақачон исботланган умуминсоний ҳақиқатлардан биридир. Ғоялар диалектикаси ва соционикаси ана шундай ва шу тахлит тамойилларга асосланади. Бунинг маъноси шунки, бирор кишининг онгу тафаккурида муайян гоё туғилгани, у қандайдир тарзда намоён бўлиши ва амалиётга жорий этилиши лозим. Эзгуликка хизмат қиладиган ғоялар билан турли бузғунчиликларга сабаб бўладиган, салбий эҳтиросларга эрк берадиган ғоялар бир-бирдан маъно-маъмуни ва мақсад жиҳатидан фарқ қилиши масаланинг алоҳида жиҳати, албатта. Аммо дунёга келган гоёнинг муайян тарзда намоён бўлиши ва амалиётга жорий этилиши натижалари унинг ҳаётдаги ўрни белгиланиши қондиси сақланиб қолаверади.

даромад топиши учун тарқатилди. Натижада кўйлаб фуқароларимиз тайинли иш жойига, яхши даромад манбаига эга бўлди.

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йил 11 сентябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ушбу йўналишда мутахассислар олдиға аниқ вазифалар қўйилди. Бу борада ҳар бир маҳалла тўлиқ хатловдан ўтказилиб, “камбағал оилалар портрети” ишлаб чиқилмоқда. Камбағалликни қисқартириш янгича ёндашув асосида олиб боришмоқда. Республика бўйича 1000 та энг оғир маҳаллага республика даражасидаги вазирлик ҳамда идоралардан 250 раҳбар ходим бириктирилади. Шунингдек, вилоятдан 2 минг, туманлардан 12 минг раҳбар ходим энг оғир аҳолидаги 5 тадан оила билан ишлайди. Ерни ижарага бериш борасидаги ташаббуслар давом этади. Бу жараёнда 50 минг гектар ер 100 мингта камбағал оиллага бўлиб берилади. Шу орқали камбағал оилаларнинг 200 минг аъзоси бандлиги таъминланади.

Президентимиз жорий йил 23 сентябрдаги “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуши фаровонлигини ошириш бора-сидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги фармониға кўра, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури камбағал оилалар учун еттига имконият ва



Бу жиҳатдан “Камбағалликдан фаровонлик сари” гоёсининг эзгуликка хизмат қиладигани кундай равшан ва бу мамлакатимиз ҳаётининг кейинги йиллардаги тадрижида яққол намоён бўлмоқда. Шу гоё туғилди юртимизда мазкур масалага ёндашув тубдан ўзгарди, янги тизим яратилди ва у доимий тақомиллаштириб бормоқда.

Натижалар узоқ куттирмади ва реал рақамларда яққол намоён бўла бошлади. Тарихан қисқа — атиги тўрт йил ичида тизимли чора-тадбирлар самарасини бериб, 3,5 миллиондан зиёд ватандошимизнинг турмуш шароити яхшиланди. Камбағаллик даражаси 17 фоиздан 11 фоизга тушди. 2020 йилдан буён 3 миллиондан 5 миллион сўмгача ойлик оладиган ишчилар икки баробар, 5 миллиондан 7 миллион сўмгача олувчилар сони уч баробар ошди. Камбағаллик даражаси йилга ўртача 3 фоиз камайиб бораётгани эса ушбу жараённинг бардавонлигидан далолат беради.

Камбағалликни камайтиришнинг самарали ечимларидан бири тадбиркорга шароит яратиш, улар билан манфаатли ҳамкорлик қилишдир. Бу орқали ҳам камбағаллар сонини камайтириш, ҳам бандлигини таъминлаш ва малакали мутахассисларни тайёрлаш мумкин. Шу мақсадда “20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастури ҳаётга татбиқ этилди ва бу натижаларини бермоқда. Дастур доирасида шу кунгача 6745 та тадбиркорлик субъекти билан 455 минг аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Маҳаллада камбағалликни қисқартириш, тадбиркорлик лойиҳаларига кам фоизли 35 триллион сўм кредит, 7 триллион сўм субсидия берилди. Қолаверса, 260 минг гектар ер 800 минг аҳолиға деҳқончилик қилиб,

масъулият тамойили асосида амалга оширилди. Камбағал оилалар реестри шакллантирилди, Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадили жамағатаси ташкил этилади.

Камбағал оилаларга ноутбук сотиб олиш учун 5 йил муддатта 2 йил имтиёзли давр билан гаровсиз ва фоизсиз қарз ажратилади. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун қиймати 30 миллион сўмгача бўлган кичик ишлаб чиқиш ускуналари, кўчма дўконлар (food truck), мотороллер, скутер ва шу каби бошқа асосий воситаларни сотиб олиш учун 5 йил муддатта бўлиб-бўлиб тўлаш шартли билан гаровсиз ва фоизсиз қарз берилди.

Умуман олганда, Президентимиз қайд этганидек, “Бундан буён камбағалликни қисқартириш умуммиллий ҳаракатга айланади. Ҳукуматдан тортиб туман ташкилотигача барча бўғиндаги раҳбарларнинг кундалик иши оилаларни камбағалликдан олиб чиқиш бўлиши керак. Бу борада назорат ҳам, сўров ҳам қаттиқ бўлади”.

Хуллас, бу борада интилиш, изланиш, билмаганини ўрганиш, тажриба алмашиш ва шу асосда самарали фаолиятни амалга ошириш вақти келди. Жорий йилнинг 3-5 октябри кунлари бўлиб ўтган халқаро конференция ана шу мақсадларни кўзлагани шубҳасиз.

Хўш, нима учун бу борада маҳаллага катта эътибор берилляпти?

Ноёб фуқаролик институти

Бугунги кунда республикамизда 9452 та маҳалла бор ва улар маҳаллий даражадаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий ривожланишнинг муҳим бўғини



ҳисобланади. Бу жиҳатдан маҳаллалар халқимиз ҳаётининг муҳим таркибий қисми, улар фақат маъмурий вазифаларни бажарибгина қолмай, балки давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги ўзига хос мулоқот майдониға айланган.

Биз бугун маҳалла деганда дунёда камдан кам учрайдиган, инсонни жамият билан уйғун яшашга ўргатиб, бағрикенглик руҳида тарбиялайдиган, халқ билан давлат ўртасидаги ишончли кўприк вазифасини бажарадиган ноёб тузилмани тушунамиз. Ота-боболаримиз умргазаронлик қилган шу муқаддас замида яшётган, унинг сув-нонини тотаётган киши борки, ўз ҳаётини, қувончу ташвишларини маҳалладан айри ҳолда тасаввур этиши қийин, албатта.

Айни пайтда маҳалла ҳар бир инсон ҳаётининг маъноси ва умри мазмуниға катта таъсир кўрсатуви она юрт, ота маконға нисбатан шарқона ёндашувнинг бетакрор намунаси, аслар қаъридан безавол ўтиб келаётган маънавий-маърифий макон ҳамдир. Нафқат замонавий муаммоларға самарали ечим топиш, балки халқимизнинг бой маданий-тарихий меросини ўзда жамлаган ноёб тузилма сифатида маҳалла бугунги кунда аҳоли ҳаётини яхшилаш ва жамиятни фаровонлаштиришда оддий иштирокчи эмас, балки муҳим қарорлар қабул қиладиган ва уларни амалга оширишға қодир марказ сифатида ҳам намоён бўлмоқда.

Шу билан бирга, бугун маҳалланинг ижтимоий аҳамияти, давлат ва жамият ривожидиға роли, аҳолининг кундалик ташвишлари, масала ва муаммоларини ҳал қилишдаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Президентимиз маҳаллада тинчлик ҳукм сурса, юртимизда ҳам тинчлик бўлади, маҳалла обод этилса, бутун мамлакатимиз ободонлашади, дея алоҳида таъкидлагани асло бежиз эмас.

Бугунги кунға келиб, юртимизда маҳалла институтининг жамиятдаги мавқенини ошириш, мақомини мустаҳкамлаш ва ваколатларини кенгайтиришға доир изчил ислохотлар кечмоқда. Улар маҳалланинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлагани таъминлашға хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил этилиб, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, солиқ инспектори ва ижтимоий ходимдан иборат “маҳалла еттилик” фаолияти йўлга қўйилди. Уларға зарур ваколат ва имкониятлар яратиш берилиши натижа-сида аҳолининг турмуш даражасини ошириш борасидаги ишлар янги босқичға олиб чиқилди.

Бошланган ҳаётбахш дастурларнинг амалдаги ижроси ўлароқ, бугун маҳалла аҳолини ислохотларға сафарбар этадиган, жамиятнинг барча қатламларини изчил ҳаракатта келтирадиган фаол, катта ижтимоий куч, таъсирчан тузилмага, одамлар келиб фикрини, тақлифини, дардини айтадиган, муаммосиға ечим топадиган масканға айланди.

Маълумотларға кўра, юртимизда 2023 йил якуниға кўра, ишсизлик даражаси 6,8 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос

давриға нисбатан 2,1 фоиз камайган. 2024 йилнинг 1 январь ҳолатиға меҳнат ресурслари сони 19 миллион 724 минг 900 кишини ташкил этиб, 2023 йилнинг шу давриға нисбатан 207 минг 400 кишиға (1,1 фоиз) ошган. Ўз навбатида, бу рақамлар масаланинг бутун мамлакат миқёсидаги кўлаמידан далолат беради ва, айниқса, маҳаллаларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини тизимли йўлга қўйиши тақозо этади.

Шу сабабли бугунги кунға келиб, янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида маҳаллаларни камбағалликдан ва ишсизликдан холи ҳудудға айлантириш йўлидаги ислохотлар ниҳоятда катта аҳамиятға эга бўлмоқда. Мазкур соҳадаги ислохотларнинг самарасини таъминлайдиган омиллар шаклланиб, уларнинг таъсирчанлиги мутасил ўсиб бормоқда.

Ушбу йўналишдаги фаолиятда ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни жойида ҳал этиш мақсадида маҳаллалар ваколатларини кенгайтириш, молиявий мустақиллигини кучайтириш, фуқароларнинг ўз маҳалласи ҳаётдаги иштирокчи ҳамда давлат органлари ва маҳаллалар ўртасида тўғридан тўғри алоқани таъминлаш мақсадлари устувордир. Айни пайтда маҳаллаларда аҳоли билан ишлашға қаратилган жараёнларни рақамлаштириш, давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллада кўрсатиш, маҳалладан туриб, барча давлат идораларига мурожаат қилиш тизимини яратишға алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Маҳаллаларнинг “Ўсиш нуқталари” ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан келиб чиқиб, давлат томонидан кўйлаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, маҳаллалар учун юқори малакали мутахассислар мақсадили тайёрлаш масалалари ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Бунинг учун барча маҳалла раислари ва ҳоким ёрдамчиларида бошқарув асослари, бандлики таъминлаш, банк-молия, томорқа, ер, чорвачилик ва паррандачилик бўйича кўникмаларни шакллантиришға алоҳида эътибор қаратилаётгани асло бежиз эмас.

Хуллас, бугун маҳалла ижтимоий ҳаётимизнинг барча жаҳалларида фаол иштирок этипди. Тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасидаги амалий саъй-ҳаракатлар маҳалланинг иштирокчиси ўтмапти. Пировард мақсад аниқ: аҳолиға муносиб турмуш шароити ва фаровон ҳаёт яратиш, жамиятимиз аъзоларининг бу борадаги имкониятларини янада ошириш, халқни фаол ислохотчиға айлантириш.

Бундай юксак марраларға эришишда Ўзбекистон халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ўзаро тажриба алмашиш, биргаликда турли дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш орқали яқин ҳамкорликни изчил давом эттиришдан манфаатдор. Юқорида қайд этилган “Аҳолининг турмуш даражасини оширишда маҳалланинг ўрни” мавзусидаги халқаро конференция айнан шу мақсадини кўзлагани бежиз эмас.



Муносабат



Илҳомжон ТЎХТАСИНОВ, педагогика фанлари доктори, профессор

Замонавий дунёда Ўзбекистон ёшлари учун чет тилларни пухта ўрганиш глобал мулоқот ва муваффақият калитидир. Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида "Сайёрамизнинг эртанги кунни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб қамолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намоен қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат", дея таъкидлаган эди.

Глоблалашув, маданият ва кадрлар, миллий ўзлик тушунчалари орасидаги масофалар кундан кунга қисқариб бораётган паллада ёшларимизнинг жаҳонга интеграциялашишида тил омилли муҳим ва асосий вазифани бажармоқда. Чет тилларни билмаган ёшлар халқаро бизнес, илм-фан, сиёсат, иқтисодий ёки ахборот ва коммуникация тармоғида жой йўқ эканини англамоқда.

Дарҳақиқат, ота-боболаримизнинг "Тил билан — эл билади" нақлига биноан юртимизнинг эртанги кунни, унинг фаровонлигини таъминлаш учун ёшларнинг билим

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ БИЛИШ

ЁШЛАР УЧУН ҚАНЧАЛИК МУҲИМ?

ва салоҳиятини ошириш, кенг имкониятлар яратиш билим билан тўлган асосий масалалардан биридир.

Имкониятлардан фойдаланиш — давр талаби

Ўзбекистонда ёшларнинг хорижий тилларда эркин мулоқот қила олиши оддий ҳолга айлангани, албатта, қувонарли. Натижалар узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида чет тиллар юқори савияда ўқитилишига эътибор қаратилаётгани, ёшларга шароит яратилгани билан чамбарчас боғлиқ. Ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишига таъсир этувчи омиллар мавжуд.

Биринчидан, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти билан тенг интеграцияга киришиши натижасида ҳаётимизда буй кўрсаткичга эришишига ёшларнинг ўзига жалб этади. Бу технологиялар инглиз, хитой ва бошқа хорижий тиллар билан боғлиқлиги сабабли уларни тушуниш, кенг фойдаланиш натижасида хорижий тилга нисбатан қизиқиш ортиб бормоқда.

Иккинчидан, ёшлар қайси йўналишни танламоқчи, олийгоҳга киришда хорижий тил бўйича В2 даражаси тил сертификатига эга бўлса, хорижий тилдан имтиҳон балига 100 фоиз имтиёз қўшиб берилмоқда. Бу эса уларга қолган фанлардан яхшироқ тайёргарлик кўришига имконият яратмоқда.

IELTS каби халқаро эътироф этилган тил билиш имтиҳонларида 7.0 ва ундан юқори балл олган ёшларнинг имтиҳон пули давлат томонидан компенсация қилиб берилиши ёшларнинг хорижий тилларни ўрганиши учун эътибор ва имкониятнинг яққол намунаси. Бундан кўндаланга мақсад тил билиш бўйича билимдон ёшларни кашф этиш ва дунё меҳнат бозорига рақобатбардор, юксак билимли кадрларни тайёрлаш ҳисобланади.

Хорижда таълим олиш учун ёшларга имконият яратиш, мутахассислар тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси ташкил этилган



ни яна бир рағбат бўлди. Бу жамғарма танловда иштирок этиш учун асосий шартлардан бири ҳам чет тилдан билим даражасини белгилловчи амалдаги миллий (CEFR) ёки халқаро сертификатга (IELTS, TOEFL, DELF) эга бўлиш. Ушбу имкониятдан фойдаланаётган юзлаб ёшлар ҳар йили хорижий ОТМларда бакалавр ёки магистратурда ўқиш, яхши касб эгалари бўлиб юртимизга қайтмоқда. Шу каби ёшларнинг фикрича, чет тилни билиш уларнинг нафақат дунёқарашини кенгайтиради, балки дунёга чиқишига йўл очиб бераётган калит ҳамдир.

Илгари хорижий тиллар 5-синфдан бошлаб ўқитилган бўлса, янги давр ўқувчилари мактаб остонасига қадам ташлаш биланоқ она тили билан бир қаторда ўзга, хорижий тиллар билан юзлашмоқда. Хорижий, асосан, инглиз тилини ўқитиш 1-синфдан татбиқ этилган бўлиб, ёш авлод таълим муассасаларини биттиргунга қадар тил билиш даражаси В2 бўлиши белгиланади. Хорижийнинг етакчи наشريётлари ва методикалари асосида тажрибадан ўтказилган ва натижадор янги авлод дарсликлари, адабиётлари вазосида таълим берилмоқда.

моқда. Бундай даврда фарзандларимизнинг тил билиши, хорижликлар билан тенг-тег мулоқот қила олиши, турли тиллардан ўзбек тилига ёки ўзбек тилидан хорижий тилларга таржима қилиши биз учун ўта муҳимдир. Таълим ташкилотларида, ўқув курсларида ҳам чет тили деганда аксарият ҳолатда инглиз тили ўқитилиши кузатилади. Аммо бугунги кунда 10 мингдан ортиқ мактабда инглиз тили, 901 та мактабда немис тили, 581 та мактабда француз тили ва 47 та мактабда бошқа чет тиллар ўқитилмоқда. Шунингдек, 354 та мактабда иккинчи чет тили — француз, немис, корей, япон, инглиз, хитой тиллари ўқитилиши бошланган. Ушбу мактабларнинг 10-синфда таҳсил олаётган 16 минг 166 ўқувчи 418 ўқувчи турли чет тиллардан дарс бермоқда.

Шунингдек, 23 та давлат олий таълим муассасасида филология ва тилларни ўқитиш, таржима назарияси ва амалиёти бакалавр таълим йўналишларида инглиз, француз, немис, араб, испан, корей, хитой, япон, италия, турк, рус, форс, шарқ тиллари, қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик, синхрон таржима бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Етук кадрларни салоҳиятли устозлар тарбиялайди

Президентимизнинг 2021 йил 19 майдаги "Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганиши оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, республика бўйича таълим муассасалари, тармоқлар ва ҳудудларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, камид 10 та чет тилини (инглиз, рус, немис, француз, хитой, корей, япон, турк, араб, форс) оммалаштириш вазифаси белгиланган.

Чет тилларни сифатли ўргатиш учун хорижий таълим муассасалари билан халқаро ҳамкорликни кучайтириш, хорижий тил соҳиблари (native speakers) ўқув жараёнига жалб этиш, хорижда малака ошириш ва стажировкалар улушини ошириш каби вазифалар қўйилган. 2023/2024 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактабларига

500 нафар тил эгаси жалб этилиб, тил муҳити яратилган бўлса, ушбу тажриба жорий йилда ҳам давом этмоқда. Олий таълим муассасаларида юқоридаги вазифалар мақсадли кўрсаткичлар сифатида белгилаб берилган.

Унга қўра, биргина Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига ўқув йили давомида имзоланган меморандум ва шартномалар сони 103 тадан 157 тага ошди. Университетнинг хорижа юборилган профессор-ўқитувчилари сони 192 нафар, талабалар сони эса 200 нафардан ошди. Хорижлик ўқитувчилар 23 нафардан 55 нафарга ортиган бўлса, хорижий талабалар сони 74 нафардан 171 нафарга етказилди.

Бугунги кунда Буюк Британия, Германия, Франция, Испания, Италия, Финляндия, Словакия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Миср, Жазоир, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Малайзия, Россия, Қозғоғистон каби қатор давлатларнинг олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Университет талабалари маъмурий мамлакатларнинг олий таълим муассасаларида ҳар йили 6 ойлик ва бир йиллик грантлар асосида таълим олиб келмоқда. Мазкур давлатлар ОТМларининг профессор-ўқитувчилари университетимизда фаолият юритмоқда. Бу эса хорижий тилда дарслар янада самарали ташкил этилишига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, ЎзДЖТда илмий салоҳиятли профессор-ўқитувчилар улуши 171 нафардан 296 нафарга ошди, докторантурага қабул 2023 йилда 44 нафардан 2024 йилда 61 нафарга кўпайди. С1 ва С2 даражадаги халқаро ва миллий сертификатга эга профессор-ўқитувчилар улуши 2023 йил сентябрда 592 нафарни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунга келиб, 690 нафарга етди.

Талабалар орасида хали 2-, 3-курсдаёқ чет тил бўйича С1 даражадаги сертификатни қўлга киритаётганлар кўпчиликини ташкил қилади. Улар учун маҳаллий қўшма таълим дастурлари, яъни тил + касб бериш ёки иккита касб эгаллашига имконият яратиш устида ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси билан ҳамкорликда чет тилини биладиган ёшларга борт кузатувчиси, стюардесса касбларини ўргатиш, "Ўзбектуризм" билан билан чет тили яхши биладиган биттирувчи курс талабаларини тур-операторликка тайёрлашни бошляпти.

Глоблалашув ва фаол халқаро ҳамкорлик шароитида ноёб хорижий тилларни биладиган малакали мутахассисларга эҳтиёж тобора долзарб бўлиб бормоқда. Бу эса Ўзбекистон ёшлари учун чет тилларни пухта билиш шахсий ва касбий ривожланиш учун янги имкониятлар очаётганини, ёшларимизнинг ёрқин келажагини барқарор қура олишига ёрдам беришини англатади.

Бандлик

ИЖТИМОЙ КЎМАККА МУҲТОЖДАН ИШ БЕРУВЧИГА АЙЛАНДІГАН ЯНГИ ҚАТЛАМ

Жорий йилнинг 11 сентябрь куни давлатимиз раҳбари раислигида камбағалликни қисқартириш ишларини янги сифат босқичига олиб чиқиш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида аҳолининг доимий даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш борасида аниқ таклиф ва кўрсатмалар берилди. Юртимизда бу борада қилинган ишлар натижасида 2023 йилнинг якуни бўйича камбағалликни 11 фоизга пасайтиришга эришилгани таъкидланди.



Жумладан, Қумқўрғон туманида ҳам камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида қатор ижобий ишлар қилинмоқда. Жорий йил бошидан буён ҳудуддаги қарийб 500 ташаббускор фуқаро онлайн ўқитилиб, билим ва кўникмаси оширилди. Ўқув жараёнидан ўтган ва бизнес режаларини ёқлаган 437 ташаббускорнинг 42,1 миллиард сўмлик лойиҳаларини амалга ошириш учун кредит ажратиш бўйича сертификатлар берилди. Шунингдек, сертификат олган 338 та лойиҳа эгасига 29,2 миллиард сўм кредит ажратилди.

"Онлайн тадбиркорликни ривожлантириш дастури" доирасида 2024 йилнинг ўтган даврида "Онлайн маҳалла" платформасига кредит олиш истагини билдириб, 5920 фуқаро мурожаат қилган. Улар 129 миллиард сўмлик кредитга эҳтиёжи борлигини билдирган. Мазкур фуқароларнинг 2005 нафарига ижобий тавсиянома берилиб, 1785 нафарига 32,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратилди ҳамда иш билан бандлиги таъминланди.

Қумқўрғон туманининг "Ўзбекистон 5 йиллиги" МФЙдаги 1025 оилада 3960 киши истиқомат қилади. Худуд аҳли,

олимпиада медаллари билан таъминланган бўлиб, аҳоли бандлигини таъминлаш ва соҳани ривожлантириш мақсадида ажратилган имтиёзли кредитлар бугун ўзини тўла оқламоқда.

— Кейинги уч йилда биргина бизнинг маҳалламизнинг ўзида камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилган режалар лойиҳалар асосида 4 миллиард 600 миллион сўм кредит ажратилди. Шунинг ҳисобидан 166 хонадон эгасига кредит, 122 оилага иссиқхона қуриб берилди, — дейди "Ўзбекистон 5 йиллиги" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Исмоил Чориев. — Бунинг натижасида камбағаллик сезиларли қайтарилди. Ижтимоий дафтарларга киритилган фуқаролар билан манзилли ишлаш натижасида камбағалликнинг сезиларли қайтарилишига эришилмоқда. Улар тўйлар қилмоқда, уйлар қуриб, машиналар оляпти. Энг муҳими, аҳоли онги ўзгарган — ёшларда илм олишига иштиёқ ошган.

Шу маҳаллада яшовчи Даврон Остонакулов ҳам берилган имкониятдан умимий фойдаланган ҳолда кредит олиб, иссиқхона қурган эди. Бугун яхшигина даромад

олимпиада медаллари билан таъминланган бўлиб, аҳоли бандлигини таъминлаш ва соҳани ривожлантириш мақсадида ажратилган имтиёзли кредитлар бугун ўзини тўла оқламоқда.

— Одам ишига, ўзига пишиқ бўлса, йўлини топаркан. 2022 йилда 33 миллион сўм кредит ҳисобидан тўртта тикув машинаси сотиб олгандик. Асосан, пардалар тикамиз. Тайёрлаган маҳсулотимизни сотиш учун савдо дўкони очганмиз. Ҳозир уч ишчимиз бор. Шунинг ортидан нафақат ўзимизнинг, балки ходимларимизнинг ҳам даромади ошмоқда, — дейди Бахтигул Йўлдошева.

Бугун Қумқўрғоннинг оил қишлоқларида ҳам ҳаёт қайнапти, ўзгаришлар қўламини тобора кенгайтиб бормоқда. Олис қир бағридаги маҳаллаларда замонавий турмуш шароити яратилляпти. Одамларнинг бунёдкорликка чорлаган, улар қалбида бутунги ислохотлардан мамнунлик ҳиссини уйғотадиган саъй-ҳаракатлар, эзгу ташаббуслар ҳудуд аҳлини бирдек мамнун этиляпти.

Сарвар ТЎРАЕВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Ислохотлар самараси

"ҚИЗИЛ ОЛТИН"НИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЯНАДА КЎПАЯДИ

Жорий йилнинг 8 октябрь куни Жиззах вилоятининг Бахмал туманида заъфарон плантациясини кенгайтириш, қуриштириш ва қайта ишлашни ташкил этиш лойиҳасининг очилиш маросими ҳамда заъфарон туганак пиёзбошиларини намунавий экиш тадбири ўтказилди.



Заъфарон инсон саломатлиги учун тенгсиз хусусиятга эга ўсимлик. Қадимдан ушбу гиёҳ зирварлар сўлтони ёки "қизил олтин" дея эътироф этилиб, қиймати юқори баҳоланиб келинади.

Мамлакатимизда ташкил этилган заъфарон плантациялари жаҳон миқёсида яхлит ҳудудда жойлашган плантацияларнинг энг йириги ҳисобланади.

Президентимизнинг шу йил 8-9 апрель кунлари Жиззах вилоятига ташрифи давомида заъфарон плантацияларининг умумий майдонини 2 минг гектарга етказиш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди. Жумладан, Бахмал, Галлаорол ва Зомин туманларида қўшимча 1,6 минг гектарда заъфарон плантацияларини ташкил этиш белгиланди.

"BMB Holding" томонидан Италиянинг "FIN. OPERA SRL" компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳанинг умумий қиймати 120 миллион еврога тенгдир. Бунинг учун 70 миллион евро микдорид

тўғридан тўғри хорижий инвестиция, 37 миллион евро ташаббускор маблағи ҳамда 13 миллион евро ҳажмида "Ўзанаотқурди-лиш" кредити қай қилинди.

Ўтган давр мобайнида мазкур лойиҳа доирасида 60,8 миллион евро инвестиция ўзлаштирилиб, қарийб 120 та доимий ва 25 мингта мавсумий иш йўли яратилди.

Шу билан бирга, лойиҳа ташаббускори томонидан қўшимча равишда киритилган 5 миллиард сўмлик сармоғи 2,5-30 километрга яқин йўлга бетон ётқизиби, 25-30 километрга узунликда электр тармоғи тортилди. Натижада ҳудуд аҳолиси ҳам раван йўллар ва электр энергиясидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлди.

Лойиҳанинг очилиш маросимида иштирокчилар ҳолдинг тизимидаги корхоналар фаолияти, у ерда яратилган меҳнат шароитлари билан яқиндан танишди.

— Жорий йилнинг апрель ойида Президентимизнинг қорхонамизга ташрифи,

билдирган илиқ фикрлари, қўллаб-қувватлови миллий заъфарончиликни ривожлантиришдаги саъй-ҳаракатларимизга катта куч-ғайрат улаштири, улкан мақсадлар сари ундади, — дейди "BMB Holding" кузатув кенгаши раиси Б.Маматқўлов. — Хусусан, шу йил сўнгига қадар заъфарон майдонларини 700 гектарга, келгуси йилларда 2 минг гектарга етказиш ва шу орқали экспорт ҳажмини 20 тоннага ошириш режалаштирилган.

Бугунги кунда ҳолдингга қарашли корхоналар томонидан йигирмага яқин турдаги заъфаронли маҳсулот ишлаб чиқарилиб, "BMB za'faron" бренди остида дунёнинг кўпгина давлатларига экспорт қилинмоқда.

Бунинг учун маҳсулотлар Италия, Франция, Нидерландия ҳамда Жанубий Кореядаги лабораторияларда икки босқичли чуқурлаштирилган текширувлардан ўтказилди. ISO 3632-1/2011 халқаро стандарти асосида 1-тоифа сифат даражаси сертификатини олди.

Заъфарон плантациясида маҳсулот экиш, етиштириш, агротехник тадбирлар ўтказиш, терибли олиш, қайта ишлаш, сақлаш ва қадоклаш жараёнилари Нидерландиянинг "Control Union Certifications" ташкилоти томонидан ўрганилди. Натижада "BMB za'faron"га "USDA ORGANIC" сертификати берилди.

Ўзбек "қизил олтин"ни дунёнинг энг йирик бозори — Хитойга экспорт қилиш бўйича ҳам Ўзбекистон ва Хитой идораларо комиссияси хулосасига қўра рухсатнома олинган.

Европа ва АҚШ бозорларига эса Италияда ташкил этилган қўшма корхона томонидан "ORO ROSSO Milano" бренди остида экспорт қилинмоқда.

Заъфарон плантациясида туганак пиёзбошиларни намунавий экиш тадбирида иштирокчилар заъфарон майдонларида польшалик мутахассислар билан ҳамкорликда синов тарихида қўлланила бошланган "AgroNanoGel Basic" гидрогель тизими билан таништирилди.

Таъкидланишича, гидрогель ўсимликлар учун сув захираси саналади. Унинг қўлланилиши вегетация даврида ўсимликлар учун оптимал сув шароитини ҳозирлаб, унинг сарфини 45 фоизгача тежайди.

Фарҳод НЕЪМАТОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири



Бугуннинг гапи

Матрифатини аёлнинг тарбия мактаби



ёхуд қизлар таълими ҳақида ўйлар

Талаба бўлиш орасида юрганимда қўшни қиз Тошкентдаги олийгоҳлардан бирига ўқишга кирди. Катта сумкалар билан йўлга отланган ота ва қизга ҳавас билан қараб тургандик. Қаердандир келатган ука акага қараб бақира кетди: “Қиз болани ўқитиб нима бор? Яна Тошкентда. Эртага нима қилиб беради сизга? Ўлай деб ўқитиб, бировга берасиз. Ойлигини бошқалар олади. Ёки пулингиз кўчада қолдими? Шунга деб уйдаги молларни сотганингиз нимаси?”.

Тўрт қизини олийгоҳда ўқитмаган ўша ука бугун олий маълумотли бешинчи қизининг эртасидан кўнгли тўқ. Катталарини ўқитмаганидан кўп афсусланади. Ахир кенжатоий ўзи каби ўқимини йилгига турмушга чиқди. Иккаласи ҳам давлат хизматида. Қўлида чақалоти бўлишига қарамай, етук кадр бўлгани учун кўп ташкилотлар ишга чақиряпти. Ҳар гал ота ўйига келар экан, кўёви ҳурмат билан машинадан тушиб қўйганини кўрган қўшнилар пичир-пичир қилади. Қўлида 4 та иссиқ нони, совға-салом ҳам бўлади. Қайсидир опаси баъзан йўл кира топа олмай, уйга боролмаётганини айтганида, 3-4 сўм бериб ҳам туради. “Сенга маза”, дейишди опалари. Кеч бўлса ҳам институтда ўқигилари келади уларнинг. Қизларини, албатта, ўқимини қилиш хусусида кўп гаплашади.

Афсуски, жамиятимизда ҳамоно: “Қиз болга олий маълумот керак эмас, ақлилиқ қилиб жонга тегади”, қабилида фикрлайдиган бор. Хайриятки, қиз боланинг олий маълумот олишига нисбатан бундай қарашлар йилдан йилга камайиб борапти. Ҳа, бугун қиз фарзандини ўқитиш ниятидаги ота-оналар сафи кенгаймоқда. Бунда қайси жиҳатлар бирламчи эканидан қатъи назар, хурсанд бўларли ҳолат. Айтмоқчимизки, кўпчилик юртдошларимиз оилада эр-хотин баробар ишласа, фаровонлик бўлишини ўйлайди. Яна бир қатлам қиз болга ўқиса, фақат эрнинг қўлига қараб қолмай, ўзининг эҳтиёжларини қўли билан қўлайди. Мухими, қизларнинг олий таълимга йўналтиришга мойиллик ортаётгани. Ҳеч бир давлатда мамлакатимиздаги каби хотин-қизлар таълимга эътибор қаратилмас керак.

Хотин-қизлар тавсиянома асосида олий таълимга қабул қилинаётгани, бўйсиз

таълим кредити олаётгани, магистратура босқичида бепул ўқиётгани бунинг амалдаги ифодаси. Ҳатто аёллар улуши паст бўлган аниқ фанлар, техника ва ҳуқуқшунослик йўналишидаги олий таълим муассасаларида ҳам қизлар сони ортиб борапти. Зеро, ҳар йили қизларнинг талаба бўлишига квотанинг камида 50 фоизи аниқ фанлар, техника ва ҳуқуқшунослик йўналишлари учун ажратилади.

Президентимиз мустақиллигимизнинг 33 йиллиги байрамида халқимизга йўллаган табриғида ҳам қизларни ўқитиш кераклигига алоҳида ургу берди. Шундай экан, қизларнинг олий таълимга кириш кўрсаткичи йилдан йилга ошиб бораверади. Қолаверса, энди шиддатли даврнинг ўзи ҳам ота-оналарга олий маълумотнинг аҳамиятини аниқлаб қўймоқда. Айниқса, андижонлик Райёна Иброҳимованинг Германиядаги ғалабаси бу борада кўпчиликнинг фикрини яхши томонга ўзгартиришга хизмат қилди. Ижтимоий тармоқларда “Бизнинг қизларимиз ҳам Райёнага ўхшасин”, деганларнинг аксарияти оталар экани қувонарли.

Аслида, яна бир муҳим жиҳат борки, қиз болга ўқиса, рисоладаги она бўлишга қадам ташлаган бўлади. Кимлардир кўёви қизини ишлатмаётганидан, дипломи қанг босиб ётганидан нолийдилар. Кўплар ўйлаганидек, олий маълумот фақат моддий манфаатдорликка хизмат қилмайди. Очирокроқ айтадиган бўлсак, оила этикаси, бола тарбиясида ҳам аёлнинг маълумоти муҳим ўрин тутди. Зеро, психолог-педагогларнинг таъкидлашича, болага ҳулқ-аъвоҳ кўпроқ онадан ўтар экан. Олимлар интеллектуал салоҳият ҳам болага кўпроқ онадан ўтганини аниқлаган. Айрим оналар мактабда ўқийдиган боласига уй вазифасини бажаришда кўмаклашишга



қийналади. Тўғри, ўқув дастурлари тобора такомиллашиб, дарсликлар мураккаблашиб борапти. Баъзан олийгоҳни тамомлаган ота-оналар ҳам ўйлаб қоладиган масала ва мисоллар бор. Сал билими бор оналар қийинчилик билан бўлса-да, боласига уй вазифасини тушунириб бера олади. Ваҳоланки, бугун биринчи синфда ўқийдиган бола билан унинг онаси тенга-тенг ўқишга тўғри келаяпти. Фанлар турфа. Ҳар биридан бериладиган топириқ ўзига хос ақлий салоҳиятни талаб этади. Шу маънода, олийгоҳда ўқиб, ҳеч қаерда ишламаган она ҳам оналиси миқёсида жамиятга наф келтириверади. У ўзида мавжуд билим ресурсини фарзандига ортгани билан бера олади. Фарзандлар эса жамият аталмиш катта оқимга кичик ва тиниқ ирмоқлар сифатида қўшилиб оқди.

Шунингдек, оммавий маданият урчиган бугунги таҳликали даврда ҳам оналарнинг фарзанд тарбиясидаги ўрни ҳар қачонгидан

муҳим. Кўпни кўрган, билимли оналар боласининг мақсад-муддосини юриш-туришидан пайқайди. Ножўя ҳаракатини дарҳол сезади. Қўлидаги телефонни назорат қилиш, бирор шубҳага бориладиган қандай йўл тутишини билади. Мухими, вақтинги кадрини билган оналар унинг ҳар дақиқаси ганимат эканини боласига ҳам кўрсата олади. Шукроналик, сабр, муомала маданияти, жамиятда ўрин топиш масалаларида фарзандлари билан суҳбатлашади.

Бола эканми, онам раҳматли баъзи сўзларимиз талаффузини тўғрилай турса, “Бошқаларнинг онаси бундай қилмайди-ку”, дердик. Масалан, “автобусчи” десак, “Бундай сўз йўқ болам, ҳайдовчи денглар”, дерди. “Дамасчи”, “тикочи” демасликни ҳам онам ўргатган. Ҳатто кўплаб зиёлилар ҳам ишлатадиган “телефон қиламан” жумласини “Қўнғироқ қиламан”, десанглар тўғри гапирган бўласизлар”, деб ўқирган. Тил ва

адабиёт ўқитувчиси бўлишни орзу қилган онамиз агар ўқитувчи бўлганида қандоқ бўлар экан-а, деб ажабланардик. Хужжатларини институтга топширган ҳамоно онаси — катта онамиз бевақт кўз юмган. Шунинг учунми, фарзандларим олийгоҳда ўқисин, деб биз, қизларни-да пойтахтда ўқитишга ташаббус бўлди.

Она фарзанд руҳиятини унинг отасидан яхшироқ билади. Аксарият оталар фарзандини аёли орқали кашф қилади. Бу борада аёлнинг фикрига таяниш баъзилар ўйлаганидек хотиннинг йўриғига юриш эмас. Шу ўринда қизини Миллий университет ётоқхонасига жойлаётган чоғи учратганимиз — андижонлик уй бекаси Саида Жўраеванинг қуйидаги гаплари фикримизни тўлдирди:

— Тўрт қизимиз бор. Турмуш ўртоғим уларни олийгоҳда ўқитиш у ёқда турсин, маҳалладан четга чиқшини ҳам хаёлига келтирмасди. Бирок тўртгаласи ҳам мактабда аъло баҳоларга ўқигани учун ўқитувчилардан тўхтовсиз мактовлар, ташаккурномалар эшитамиз. Шундай пайт улардаги қобилият, иқтидорни сўндирмаслик кераклигини ўйлардим. Қўни-қўшнилар буларни қайси институтларда ўқитасизлар, деб сўрагани сари даласига тушутириш ишларини олиб бордим. Қизларга яратилаётган имкониятлар ҳақида тақрор-тақрор айтивердим. Уларни ўқитсак, набираларини ҳам гўзал тарбия топиш ҳақида кўп гапирдим. Хайриятки, турмуш ўртоғим тушуниб етди. Катта қизим ҳам, кейингиси ҳам бюджетга етадиган балл тўплай олмади. Шунга қарамай, уларни ўқитишга рози бўлди. Турмушга берган қизимиз ўқинишни давом эттирди. Боласига қайнонаси қараб турибди. Минг шукр, тушунган оила экан, фарзандимизни олий маълумот эгаси бўлади деб эъозлашади. Насиб бўлса, сингилларини ҳам олий маълумотли қиламиз.

Мутахассислар билан суҳбатларда амин бўламизки, оиладаги ажрашишлар сонидан

ҳам олий маълумотли аёлларнинг улуши кам. Зеро, уларнинг катта қисми оналадек муқаддас кўрғонни қуриш осон эмаслигини ҳис қила олади. Бузилган тақдирда эса қайтадан қуриш ундан-да қийинлигини англайди.

— Олий маълумотли бўлсам-да, ҳеч қаерда ўқимаган бир йилгига турмушга чиқдим, — дейди сурхондарёлик суҳбатдошимиз (исмини сир тутишимизни илтимос қилди). — Турмушнинг ўзига яраша “мушт”лари бўлар экан. Аксарият ҳолларда қийинчилик кўрмаган, сабрсизроқ қизлар ўша “мушт”ларга дош бера олмай ажрашиб кетади. Ўзим каби талабалик-даноқ мусофирликнинг таъминини тогган, ота-онанинг қадрига етганлар тиш-тирноғи билан оилани асраб қолишга уринса керак, деб ўйлайман. Чунки қиз бола уйга қайтиб бора, у айбсиз бўлса-да, ота-она ич-ичидан зил кетади. Юзи ерга қарайди. Маҳаллада тўрт кишининг суҳбатига қўшилмаси келмай қолади. Кўпинча турмуш ўртоғим мени тушунмаслигидан қийналанман. Бирок ота-онами ўйлаб, вазиятни чигаллаштирмасликка ҳаракат қиламан. Қолаверса, бирга яшаганидан кейин, албатта, ётиқдошнинг руҳиятини яхши билиб оласан экан. Шундан келиб чиқиб иш тутаман. Сал нарсга арабалаб, уйга кетиб қолишни сира ўзимга эп кўрмайман. Тўғриси, бундай қилишдан уялманам ҳам. Назаримда олий маълумотли аёлларнинг деярли барчаси мана шундай фикрласа керак.

Дарҳақиқат, оилада отанинг обрўси, аввало, аёли уни қанчалик ҳурмат қилишига боғлиқ. Чунки оила бошлигини ҳурмат қилиш оила болаларини отасига ҳурмат руҳида тарбиялай олмайдилар. Оила илми, айниқса, оналардан зуққоликни талаб қилади. Дунёқараш кенг, тафаккур ила иш юритадиган аёллар ўз-ўзидан зуққо ҳам бўлади. Барча-барчасидан келиб чиққан ҳолда, бир сўз билан айтиш мумкинки, қизларни ўқитиш керак!

Муножат МҲМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Луқма

Эшик тақиллаб,
қорачадан келган, узун
бўйли йигит кўринди.
Таклиф қилишимини
ҳам қутмай, қуюқ салом
бериб, қулочини ёзиб
бағрига босди.

— Ассалому алайкум, отанинг кадрдоғи. Сизни кўрсам, раҳматли дадамни кўргандай бўламан. Соғ-саломатмисиз, опам, укаларим яхшими, чарчамайсизми? Телевизорларда кўриб, отанинг мана шундай дўсти борлигидан фахрланаман, роса мактанаман, — деди забардаст қўллари билан бармоқларини сиқиб.

Қутилмаганда келган сермулозамат бу йигитнинг кимлигини дарров англаб ололмади, бир дам хижолат бўлиб, “Яхши, яхши” дейишдан нарига ўтолмади.

Йигит чапдастик билан ёнимдаги стулга ястаниб ўтирди. Қора костюм-шим, оқ кўйлак, бўйидаги қизил бўйинбоғ уни янада пўрим, келбатли қилиб кўрсатди. Ўзимни унга қийсаёл олмадим. Енги калта оддий кўйлақда сувага тушган мушукдек шалвираб қолгандек бўлдим.

— Узингиз яхшими, уйдагилар тинчми? — савол назари билан ҳамсуҳбатимга боддим. У иккиламдан турганимни тез билди.

— Қуролдош дўстингиз Сафарбекнинг ўғли Бобобекми.
Унинг бу сўзлари хотирларимни уйғотиб юборди. Сафарбек яхши йигит эди. Мусофир юртда икки йил ҳарбий хизматда туз-намак бўлганми. Лекин умри қисқа экан, автохалокатга учраб вафот этганди. Яқин дўстининг зурриятини танниганим учун ўзини айбдор ҳис қилдим. Иш, бола-чақа билан овера бўлиб узоқлашиб кетганимдан хижолат



КАФИЛ БЎЛМА, ДОҒДА ҚОЛАСАН

тортидим. Биз кўрганда мўйлаби энди сабзи бўлаётган йигитча эди. Ўсмирликда одам тез ўзгаради дейишди. Бобобек анча улғайибди, қўли кўксиди, ўзига ишониб, аниқ-тиниқ айтаётган кескир сўзлари ҳар қандай одамни суҳбатга чорлайди.
— Катта бўлиб кетибсан-ку. Келбатингдан от хуркийди-я, кел, қайтадан кўришамиз, — дея бағримга босдим. — Зап келибсан-да, яхши юрибсизларми? Иш билан бўлиб, сизлар томонга ўтганимизга ҳам анча бўлиб қолди. Яқинда йигитлар билан кўнғироқлашганимди, тўпланиб ўтмоқчи бўлиб тургандик. Ҳозир ўртоқларга телефон қиламан, учрашиб бир гурунлашамиз.

Гапим оғзимда қолди. Бобобек ҳозир мавриди эмаслигини, бошқа сафар олдиндан хабарлашиб, ўзи қўлбола ош қилиб беришини айтиб, шаштимдан қайтарди.

— Уэр, олдингизга бир иш билан келгандим, — дея мақсадга ўтди.

— Уй-жойларни таъмирлаш, тўй қилиш тарадудиди юрибман. Маблаг томондан бир оз қийналиб қолдик, шунга банкдан кредит олмақчи эдим. Банкдагилар бюджет ташкилотиди ишлаётган яқинлардан кафил топиб келинг, деди. Қаерга боришни билмай, сизни орқа қилиб келдим. Кўп эмас, бор-йўғи 50 миллион сўм оламан, холос. Тўловларидан хавотир олманг, ўзим вақтида тўлаб бораман.

Нима қиларимни билмай қолдим. Ёрдам берай десам, бу бола айтган пулни ҳали ушлаб ҳам кўрмаганман. Ойликдан ойликка базўр етадиган мовнам қизим икки бўлаётгани йўқ, ўғлим, қизим контрактда ўқийди... Бу гаплардан унга нима фойда? Тўғриси, мардликим тутиб кетди.
— Қайси банкдан оласан?
— Хусусий кредит уюшмасидан.
— Уларнинг фози юқори-ку.
— Тўғри, лекин нақд беради-да, шунга...
— Мендан нима ёрдам керак?
— Паспортингизни берсангиз бўлди. Хужжатлар тайёр бўлганда, кафил сифатида

имзо чекиб келсангиз бўлгани, қолган ишларни ўзим эплайман.

Айтганларини қилиб, паспортимни икки қўллаб қўлига тутқаздим. Тушлиқдан сўнг Бобобек кўринди.
— Тоға, вақтингиз бўлса банкка ўтиб келайлик. Ҳамама нарса тайёр, машинада бир зумда бориб келамиз.

Ортидан эргашдим, ишимиз тез битди. Ним табассумли Бобобекнинг қўли кўксиди:

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН
МАЗКҲҲ QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Кологрэк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Бюджет — 3540.
41218 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Кологрэк” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев
Мусаххчи: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй